

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

МУАЛЛИФЛИК ҲАҚИ ВА БОШҚА ҲАҚ ТҮЛАШ ТУРЛАРИ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮГРИСИДА

LexUZ шарҳи

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сонли «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириши, соҳа ходимлари меҳнатини разбатлантириши бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар түгрисида»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури түгрисида» 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сон қарорига ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек ижодий жараённи янада рафбатлантириш ва фаоллаштириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари **1-иловага** мувофиқ;

Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажарганлик учун, ҳайкалтарошлиқ асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари хисобига тўланганда унинг энг юқори ставкалари **2-иловага** мувофиқ;

Драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарларни саҳналаштирганлик учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари ҳамда ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари хисобидан тўланганда унинг энг юқори ставкалари **3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари **4-иловага** мувофиқ;

Кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва қўшиқлар матнларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари **5-иловага** мувофиқ;

Кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари **6-иловага** мувофиқ;

Кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадиий даражасига кўра суратга олиш гурухларининг ижодий ходимларига постановка учун ҳақнинг энг кам ставкалари **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва 2007 йил 1 февралдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилансинки, муаллифлик ҳақини ва бошқа ҳақ тўлаш турларини ушбу қарорнинг **1—7-иловаларида** белгилангандан кам миқдорда тўлашга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, ижодий уюшмалар ҳамда муаллифлик ҳақини ва бошқа ҳақ тўлаш турларини давлат бюджети маблағлари хисобига

тўйлайдиган бошқа ташкилотлар юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларга харажатларни қатъий равишда ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида таъминласинлар.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 майдаги 270-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 19-сон, 345-модда)

4. Ўзбекистон муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда 1—7-иловаларга мувофиқ муаллифлик ҳақини ва бошқа ҳақ тўлаш турларини тўлаш тартибини тартибга солувчи идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб муаллифлик, саҳналаштириш ва ижрочилик ҳақлари ставкалари ва микдорларини ошириш ҳақида» 1993 йил 23 июнданги 307-сон қарори ҳамда қарорга илова 2007 йил 1 февралдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 январь,
8-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон қарорига
1-ИЛОВА

Фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

1. Битта китобнинг бошланғич нархи (қиймати)дан фоиз ставкалари тарзида тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

Муаллифлар	Битта китобнинг бошланғич нархи (қиймати)дан фоиз ставкалари тарзида тўланадиган энг кам ставка
1. Оригинал асарларни нашр этиш: — асар муаллифига	5
2. Таржима асарларни нашр этиш: — оригинал асар муаллифига	3
— таржимонга	2
3. Оралиқ таржимадан фойдаланган ҳолда нашр этилган тақдирда: — оригинал асар муаллифига	3
— оралиқ таржима таржимонига	1
— нашр этилган тил таржимонига	2

2. Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

		Тираж нормаси, минг нусха	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича бир муаллифлик тобоги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаси
а) Оригинал адабий-бадний асарлар, драматургия, адабиётшунослик, санъатшунослик асарлари			
1.	Бадний наср	15	5,0
		45	6,0
2.	Пьесалар, киносценарийлар	5	5,0
		20	6,0
3.	Бир муаллифлик тобогигача бўлган бадний ҳикоя	бутун асар учун	5,0
4.	Бир пардали пьеса	- «-	7,6
5.	Халқ ижодиёти асарларини ёзиб олиш ва қайта ишлаш: насрда		
		15	3,4
		45	2,6
		шеъриятда (1 сатри учун)	0,0226
6.	Шеърият (шу жумладан болалар учун шеърий пьесалар) (1 сатри учун)	10	0,04
		25	0,046
		-	3,4 бутун асар учун
		-	1,0
7.	30 сатргача шеър ва ҳажмидан қатъи назар, қўшиқнинг шеърий матни	25	5,0
		60	6,0
8.	Эпиграмма, плакат учун шеърий матн	20	3,4
		75	3,6
9.	Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун асарлар (1 муаллифлик тобогигача насрда, 100 сатргача назмда)	30	5,0
		75	5,5
10.	Адабий асарларни болалар учун қайта ҳикоя қилиб бериш ва қайта ишлаш	10	5,0
		20	5,5
11.	Болалар учун илмий-оммабоп адабиётлар	20	3,4
		75	3,6
12.	Адабий-танқидий, адабиётшунослик асарлари	10	5,0
		20	5,5

13.	Адабий-танқидий тақризлар (0,5 муаллифлик тобоғигача)	-	3,4 бутун асар учун
14.	Оригинал библиографик ишлар, китобга аннотациялар, китобдаги библиографик күрсаткичлар	-	3,4
15.	Шарҳлар ва изоҳлар	-	3,4
16.	Кириш мақолалари, сўзбошилар, сўнгсўзлар	-	7,5
17.	Адабий миниатюралар	-	1,66 бутун асар учун

б) Сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш-техника, ўқув ва бошқа адабиётларга оид оригинал асарлар

1.	Илмий-назарий масалаларга доир адабиётлар, билимларнинг барча соҳалари бўйича монографиялар (адабиётшунослик ва санъатшунослик бўйича адабиётлар бундан мустасно)	Ушбу бўлим бўйича нусха нормаси ҳисобга олинмайди	5,0
2.	Оммавий-сиёсий адабиётлар	-	4,0
3.	Фан ва техниканинг барча турлари бўйича (болалар учун илмий-оммабоп адабиётлардан ташқари) илмий-оммабоп адабиётлар	-	5,0
4.	Билимлар ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш-техника адабиётлари, илмий-техника ва бошқа маълумотномалар, статистик тўпламлар, тақвим-маълумотномалар, асбоб-ускуналар учун маълумотнома-кatalogлар, йўл кўрсаткичлар	-	3,4
5.	Ўқув адабиётлари		
	Умумтаълим мактаблари, коллеклар, лицейлар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар		6,0
	Ўқув ва методик қўлланмалар, луғатлар, диктантлар тўпламлари ва хрестоматиялар, маъruzалар матнлари		5,0
	Ўқув адабиётлари: кўргазмали қўлланмалар, жадваллар, альбомлар, ўйинлар, хариталар, плакатлар		1,0
6.	Қомуслар ва қомусий луғатлар учун мақолалар	-	6,0 белгилар сонига қараб
	а) 40000 дан ортиқ белгилар учун ҳар бир муаллифлик тобоги ҳисобига қўшимча ҳақ тўланади	-	7,0
7.	Изоҳли луғатлар, маҳсус атамалар, синонимлар луғатлари, лексик ва орфографик луғатлар	-	5,0
8.	Рефератлар ва обзорлар	-	1,4
9.	Кириш мақолалари, сўзбошилар, сўнгсўзлар	-	5,0
10.	Оригинал библиографик ишлар, кўрсаткичлар, аннотациялар, воқеалар тақвими, хаёт ва фаолият солномалари	-	1,66

11.	Техникавий ва бошқа альбомлар	-	3,4
12.	Шарҳлар ва изоҳлар	-	2,0
13.	Йиртма тақвимлар, кроссвордлар, чайнвордлар, криптограммалар, викториналар, ребуслар, шарадалар (топишмоқнинг тури), бошқотирмалар, топишмоқлар	-	3,4 бутун асар учун
14.	Мавзулар ва плакатлар, шу жумладан плакатларнинг барча турлари бўйича матн ва рәқамли материаллар тайёрлаш	-	0,54
15.	Стол усти-босма ўйинлари	-	4,0
16.	Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун альбомлар ва йигмалар, китоб-ўйинчоқлар, мавзулар, конструкциялар тайёрлаш ва тушунтириш матнини ёзиш	-	2,6

в) Мусиқали ва мусиқали-адабий асарлар

1.	Опералар, балетлар, мусиқали комедиялар, оперетта, мюзикл	0,05 клавира 0,02 партитура	40,0
2.	Симфоник оркестрлар учун асарлар - симфония, оратория, кантата ва бошқалар	0,05 клавира 0,02 партитура 0,05 клавира 0,02 партитура 0,05 клавира 0,02 партитура	15,0
3.	Халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва духовой оркестрлар учун асарлар	0,03 клавир 0,03 партитуры	8,0 4,0
4.	Эстрада оркестрлари ва ансамблари учун асарлар	0,07 клавир 0,03 партитур	5,0 2,2
5.	Камер асарлар	0,5 дан 3 гача клавир	6,0
6.	Вокал асарлар	1 дан 5 гача клавир	9,7
7.	Мусиқали асарлар учун матнлар	нусхалари мусиқа асарларининг тегишли турлари бўйича белгиланади	8,8

г) Асарлар тўпламлари

1.	Тўпламлар тузиш	-	2,54 нусхалар сонидан қатъи назар, ҳак тўланади
2.	Луғатлар учун сўзликлар	-	0,0034 (битта сўз учун)

д) Асарлар таржималари

Адабий-бадиий асарлар

1.	Бадиий наср (шу жумладан болалар учун, пьесалар, сценарийлар, илмий-бадиий, бадиий-хужжатли адабиётлар, танқид, адабиётшунослик, санъатшунослик асарлари)	-	3,0
----	---	---	-----

2.	Шеърият (шу жумладан болалар учун шеърий пъесалар)	-	0,03 (1 сатри учун)
3.	Қўшиқларнинг шеърий матни, ҳажмидан қатъи назар, адабий миниатюралар	-	1,66 асар учун таржимонга
4.	Ижтимоий-иктисодий, ўқув, фалсафий, юридик, табиий-илмий, илмий-назарий асарлар, ишлаб чиқариш-техника адабиётлари, маълумотномалар	-	1,66
5.	Бошқа адабиётлар	-	1,0

3. Асарлар репрографияси учун А-4 (30x21 см) ўлчамли битта сахифа учун муаллифлик ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақи бўйича энг кам ставкалари

Асарлар турлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича бир сахифа учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаси
1. Дарсликлар ва педагогик адабиётлар	0,5
2. Монографиялар, мусиқа асарлари ноталари, архив хужжатлари, фоторасмлар ва бошқалар	0,7
3. Бадиий адабиёт:	
— наср	0,2
— шеърлар	0,55
4. Муаллифлик хуқуки билан ҳимоя килинадиган бошқа материаллар	0,75

Изоҳлар:

1. Муаллифлик тобоги — 40000 босма белгиларга, шеърий асарларни нашр этишда 700 сатрга, график материални (расмлар, диаграммалар, жадваллар, мусиқа ноталари ва ҳоказолар) нашр этишда 3000 кв. сантиметрга тенг бўлган нашр этиладиган асар ҳажмини ўлчашибирлиги. Ҳарфлар, тиниш белгилари, рақамлар ва бошқалар хамда сўзлар ўртасидаги хар бир оралиқ босма белгилар хисобланади.

2. Китобнинг бирламчи нархи (киймати) (муаллифлик ҳақи фоизларда хисоблаб чиқилганда) — китоблар туркумини (тиражини) сотиши учун савдо шоҳобчасига бериш кунида нашриёт томонидан белгиланган китобнинг нархи (сотувчининг савдо устамасини хисобга олмасдан).

3. Тираж нормаси — нашр этишда мазкур иловада ёки шартномада назарда тутилган бир тариф ставкаси миқдорида муаллифлик ҳақи тўланадиган китоблар сони.

4. Оралиқ таржима — оригинал асарнинг тўғридан-тўғри бўлмаган таржимаси, яъни илгари бошқа тилга таржима қилинган асар матнини таржима қилиши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон **карорига**
2-ИЛОВА

Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажарганлик учун, ҳайкалтарошлиқ асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек ушбу ҳақ давлат бюджети маблағлари хисобига тўланганда унинг энг юқори ставкалари

1. Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратишга буюртмаларни бажарғанлик учун муаллифлик ҳақи ставкалари

Асарларнинг тури	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ҳақи	
	Ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳақ тўлашда ҳақ тўлашнинг энг кўп миқдори
Драматик асарлар		
Кўп пардали ва бир пардали пьесалар:		
насрда	80,0	225,0
назмда	100,0	300,0
Инсценировкалар (бир пардали, кўп пардали)	27,0	75,0
Пьесаларнинг таржималари (бир пардали, кўп пардали):		
насрда	13,0	85,0
назмда	15,0	105,0
Драматик асарларни таҳрир килиш ва тақриз килиш	10,0	12,0
Шеърларни таҳрир килишда ҳар бир сатр учун	0,07	0,5
Мусиқали асарлар		
Опера, балет (кўп пардали)	300,0	2000,0
Оперетта, мусиқали комедия, мусиқали драма (кўп пардали), мюзикл	200,0	450,0
Кантата, концерт, бир қисмдан иборат йирик чолғу асари, фантазия, симфоник поэма, баллада, рапсодия, прелюдия ва фуга, сюита, вариация, увертиюра ва бошқалар	30,0	150,0
Оратория, симфония	300,0	500
Романслар, бир қисмдан иборат кичик асарлар, маршлар, ракслар ва эстрада оркестрлари, халқ чолғу оркестрлари ва бошқа оркестрлар учун кичик пьесалар	20,0	60,0
Камер ансамбллар и камер мусиқалар	20,0	100,0
Турли жанрдаги хор асарлари	20,0	70,0
Пьесаларга мусиқалар	15,0	30,0
Цирк номери, цирк аттракциони, пантомима, бир бўйлимдан иборат сюзетли цирк спектакли, муз устида балет учун мусиқалар	10,0	20,0
Театр-драматик постановкалар учун мусиқалар	30,0-	100,0
Мусиқа асарларига тақриз	3,0-	8,0
Мусиқа билан боғлиқ адабий асарлар		

Күп пардали: опера, оперетта, мусиқали комедия либреттоси	40,0	160,0
Күп пардали балет либреттоси	30,0	60,0
Оратория, кантата либреттоси	20,0	40,0
Опера, оперетта, мусиқали комедия либреттосининг таржимаси	20,0	60,0
Күп пардали балет хореографияси	125,0	175,0
Күп пардали мусиқали драма-пьеса	100,0	200,0
Операда, опереттада битта балет номери хореографияси	10,0	20,0
Эстрада ва цирк учун асарлар		
Скетчлар (кичик ҳажвий ёки кулгили пьесалар), драматик этюдлар, фельветонлар, миниатюралар, интермедиалар, конферанслар, хикоялар, новеллалар, монологлар	13,4	25,0
Күшиқлар учун матнлар	5,0	15,0
Куплетлар ва лапарлар	1,0	2,0
Куплетлар учун мусиқалар	0,4	0,6
Эстрада ва оригинал жанр номерлари монтажлари, композициялари, адабий безаклари	0,8	1,3
Бошловчи учун кириш монологи	3,0	6,7
Жамоа ижроси учун мұлжалланған мұқаддима ва хотима	19,3	23,0
Қисқа диалог, қисқа шеърий матн	2,6	3,3
Раёк	8,0	10,6
Антрени адабий қайта ишлаш	6,6	10,6
Масхарабоз антреси, мусиқали эксцентриклар учун антре	16,0	26,6
Алохіда реприз	5,4	10,6
Пантомима, сюжетли цирк томошаси (либретто ва матн)	60,0	100,0
Сценарий:		
— цирк номери учун	20,0	40,0
— цирк аттракциони учун	40,0	80,0
Цирк ёки эстрада томошаси учун мусиқали мұқаддима, мусиқали антракт	6,6	13,3
Марш, галоп, вальс, полька, романс ва бошқа кичик пьесалар	13,4	16,7
Цирк ва эстрада номерига жүр бўлиш учун мұлжалланған кичик мусиқа асарлари	2,0	3,0

Цирк ёки эстрада номерини мусиқали компилятив безаш	2,6	2,7
Сюжетли эстрада томошалари сценарийлари ва матнлари	80,0	150,0
Оммавий байрамнинг адабий сценарийси	33,4	35,0
Либретто:		
— саҳнада камидаги 4 дақиқа эшиттириладиган вокал-хореографик постановка учун	20,0	33,4
— театрлаштирилган мавзули концерт учун	20,0	23,3
— сюжетли балет номерлари учун (камидаги 2 ижрочи иштирокида)	16,0	26,6
— якка ҳолда ижро этиладиган балет ракслари учун	10,0	20,0

Изоҳлар:

- Бир пардали опера, балет, оперетта, мусиқали комедия, мусиқали драмага асарнинг аҳамиятлилигига қараб ҳақ тўлиқ миқдорининг 45 фоизидан 75 фоизигача ҳақ тўланади.
- Симфоник ва халқ, духовой ва бошқа оркестрлар учун инструментал иловаларга оригинал асар учун ҳақ тўлиқ миқдорининг 50 фоизигача миқдорда ҳақ тўланади.
- Халқ қўшиқларини қайта ишлаш ва қўшиқлар аранжировкаси учун оригинал асар учун муаллиф ҳақи миқдорининг 50 фоизигача миқдорда ҳақ тўланади.

2. Ҳайкалтарошлиқ асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақи ставкалари

Асарлар турлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ҳақи	
	Ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳақ тўлашда ҳақ тўлашнинг энг кўп миқдори
Тасвирий санъат асарлари		
Махсус дастгоҳда ишланган суратлар ва маҳсулотлар	14,0	750,0
Плакатлар яратиш	60,0	500,0
Композициялар яратиш	100,0	250,0
Материалда бажариш	6,0	35,0
Манзарали-амалий санъат, кўлда тўқиши техникаси асарларини яратиш	40,0	750,0
Бадиий конструкциялаш асарини яратиш	26,0	750,0
Форэскиз яратиш	100,0	500,0
Хомаки лойиҳалар	40,0	150,0
Бадиий безаш санъати асарларини яратиш	2,0	50,0
Хомаки лойиҳалар	14,0	75,0
Контурда бажариш	6,0	500,0

Бадий-чизма асарлар яратиш	2,0	100,0
Хайкалтарошлиқ асарлари		
Ансамбль, композиция, бюст ҳайкали	35,0	750,0
Композициянинг ишчи модели	25,0	250,0
Иншоот катталигидаги модель	50,0	500,0
Монументал-манзарали ва маҳсус дастгоҳда ишланган ҳайкал		
Юмалоқ ҳайкал	200,0	750,0
Анималистик ҳайкал	40,0	150,0
Шаклли рельефлар ва рельефларнинг бошқа турлари	6,0	175,0
Кичик ҳайкалча	40,0	150,0
Маҳсус дастгоҳда ишланган суратлар ва чизмалар, этюдлар, эскизлар, хомаки суратлар	14,0	500,0
Форэскизлар, эскиз	40,0	100,0
Картон, масштабли картон, калько - шаблон	5	30,0

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон қарорига
З-ИЛОВА

Драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарларни саҳналаштирганлик учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари ҳамда ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганда унинг энг юқори ставкалари

Асарларнинг тури	Битта спектаклни саҳналаштирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича ҳақ тўлаш	
	Ҳақ тўлашнинг энг кам микдори	Ҳақ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганда унинг энг юқори микдори
Опера, балет спектакллари (кўп пардали ва бир пардали)		
Саҳналаштирувчи режиссёр	150	400
Саҳналаштирувчи балетмейстер	150	400
Дирижёр	150	300
Саҳналаштирувчи рассом	150	300
Кийимлар бўйича рассом	100	250
Мусиқали (оперетта), мусиқали-драматик		

спектакллар (кўп пардали ва бир пардали)		
Саҳналаштирувчи режиссёр	100	300
Саҳналаштирувчи балетмейстер	100	300
Дирижёр	100	250
Саҳналаштирувчи рассом	100	250
Кийимлар бўйича рассом	80	200
Драматик спектакллар, болалар (шу жумладан кўнгирчоқ) спектакллари (кўп пардали ва бир пардали)		
наzmда		
Саҳналаштирувчи режиссёр	80	250
Саҳналаштирувчи рассом	80	220
Кийимлар бўйича рассом	80	200
насрда		
Саҳналаштирувчи режиссёр	80	220
Саҳналаштирувчи рассом	80	200
Кийимлар бўйича рассом	80	150

Изоҳ:

Саҳналаштирувчи гурӯҳ (саҳналаштирувчи режиссёр, саҳналаштирувчи балетмейстер, дирижёр, кийимлар бўйича рассом, саҳналаштирувчи рассом) ушбу иловада назарда тутилган ставкалар бўйича ҳақни фақат биринчи саҳналаштириши учун олади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон [карорига](#)
[4-ИЛОВА](#)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун	
Материаллар тuri	Ҳақ тўлаш ставкаси
Ахборот жанрлари	3,0
Таҳлилий жанрлар	4,0
Таржима материаллар:	
Ахборот жанридаги материаллар таржимаси учун	4,0
Таҳлилий материаллар таржимаси учун	Оригинал учун муаллифлик ҳақининг 30 фоизидан 60 фоизигача
Расмий, тезкор, ахборот-таҳлилий материаллар таҳрири	Оригинал учун муаллифлик ҳақининг 10 фоизидан 50 фоизигача

Махсус буюртма материаллар (аккорд)	4,0
Фотоматериаллар (берилган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган суратлар)	2,0

Телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун

Материалларнинг тури	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича ҳақ тўлаш ставкалари
Ахборот жанрлари	0,36
Таҳлилий жанрлар	1,8
Бадиий-публицистик жанрлар	7,5
Телекўрсатувлар постановкаси	7,2
Радиоэшилтиришлар постановкаси	6,0
Телерадио-шоу	15,0
Материалларни чет тилларга таржима қилганлик учун (бир муаллифлик тобоги)	0,66

Изоҳ:

Ушбу илованинг мақсадлари учун махсус буюртма (аккорд) материаллар дейилганда қўйидагилар тушунилади — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг махсус буюртмаси бўйича Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти (фармонлар, карорлар, фармойишлар, расмий ташрифлар, сафарлар, матбуот конференциялари, баёнотлар, маърузалар, учрашувлар, нутқлар), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида, шунингдек мухим расмий тадбирлар, ҳалқаро воқеалар тўғрисида, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, мънавий-мърифий, спорт соҳаларидаги мухим воқеалар ҳамда чет элларда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ёзилган материаллар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон [карорига](#)
[5-ИЛОВА](#)

Кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва қўшиқлар матнларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

1. Бадиий кинофильмларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Муаллифлик ҳақи тўловлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари	
	оригинал сценарий	эълон қилинган адабий асарлар мотивлари бўйича яратилган сценарий
Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда	92	48
Тайёр кинофильм қабул қилиб олинганда	140	72

2. Мультиликацион фильмларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Муаллифлик ҳақи тўловлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари	
	тўла метражли мультиликацион фильмлар	қисқа метражли мультиликацион фильмлар (1қисмдан 4 қисмгача ҳажмли)
Оригинал адабий сценарийлар		
Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда	32	1 қисм — 6 2 қисм — 12 3 қисм — 15 4 қисм — 18
Тайёр кинофильм қабул қилиб олинганда	36	1 қисм — 6 2 қисм — 8 3 қисм — 10 4 қисм — 12
Эълон қилинган адабий асарлар мотивлари бўйича яратилган сценарийлар		
Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда	24	11

Изоҳ:

Мультиликацион фильмнинг битта қисми 10 дакикадан иборат бўлади.

3. Хужжатли, илмий-оммабоп, ўкув, воқеали кинофильмлар ва киножурналларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

3.1. Материални олдиндан ўрганган ва тўплаган ҳолда, шунингдек суратга олиш жойини ва объектларини ўрганган ҳолда мавзуни мустақил равишда оригинал тарзда ижодий ҳал қилиш билан боғлиқ сценарийлар:

Кинофильмнинг тури ва ҳажми	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари
Қисқа метражли хроникал-хужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар ва киножурналлар:	
1 қисм	18
2 қисм	27
3 қисм	34
4 қисм	42
5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли хроникал-хужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар	67
Қисқа метражли ўкув кинофильмлари:	
1 қисм	5
2 қисм	10
3 қисм	15

4 кисм	20
5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли кинофильмлар	25

3.2. Мазмуни асосан суратга олинаётган воқеа материали билан аниқланадиган кинофильмлар сценарийлари:

Кинофильмнинг тури ва ҳажми	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари
Қисқа метражли воқеали хроникал-хужжатли кинофильмлар:	
1 кисм	7
2 кисм	10
3 кисм	14
4 кисм	19
5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли воқеали хроникал-хужжатли кинофильмлар	25
Киноальманахлар	1 кисм учун 15

4. Тўла метражли кинофильмлар учун қўшиқлар матнларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Муаллифлик ҳақи тўловлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари
Битта қўшиқ матни учун	20

5. Кинофильмлар учун оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

5.1. Тўла метражли бадиий кинофильмларга оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Муаллифлик ҳақи тўловлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари	
	музиқали бадиий фильмлар	бадиий кинофильмлар
Мусиқа киностудия томонидан кабул қилиб олинганда	фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 1,4	фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 1,0

5.2. Қисқа метражли хроникал-хужжатли, публицистик, илмий-оммабоп ва воқеали хроникал-хужжатлар кинофильмларга оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Муаллифлик ҳақи тўловлари	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича
---------------------------	---

	муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари
Мусиқа киностудия томонидан қабул қилиб олинганда	фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 0,8

6. Ушбу иловада белгиланган ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари видеотелефильмлар учун ҳам қўлланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон **карорига**
6-ИЛОВА

Кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари

1. Хроникал-хужжатли ва ўкув кинофильмлари учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари:

Кинофильмнинг ҳажми	Фильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан энг кам ставкалари	
	адабий сценарий яратиш бўйича маслаҳатлар бериш	кинофильмни қабул қилиб олишда маслаҳатлар бериш
1 кисм	4	7
2 кисм	7	10
3 кисм	10	15
4 кисм	15	20
Тўла метражли — 5 ва ундан кўп кисмли	20	25

2. Илмий-оммабоп кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари:

Кинофильмнинг ҳажми	Фильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан энг кам ставкалари	
	адабий сценарий яратиш бўйича маслаҳатлар бериш	кинофильмни қабул қилиб олишда маслаҳатлар бериш
1 кисм	7	12
2 кисм	14	21
3 кисм	21	28
4 кисм	28	35
Тўла метражли — 5 ва ундан кўп кисмли	32	40

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 январдаги 8-сон [карорига](#)
[7-ИЛОВА](#)

Кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадий даражасига кўра суратга олиш гурухларининг ижодий ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари

1. Тўла метражли бадий кинофильмлар постановкаси учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан ставкалари коэффициенти
Постановкачи кинорежиссёр	200
Кинорежиссёр	50
Постановкачи кинооператор	100
Постановкачи рассом	70
Кийимлар бўйича постановкачи рассом	30
Овоз оператори	30
Мураккаб суратга олишлар бўйича кинооператор	20
Мураккаб суратга олишлар бўйича рассом	20
Пардозчи рассом	20
Монтажчи	20
Суратга олиш гурухи директори	30

2. Бадий-публистик кинофильмлар постановкаси учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари
Постановкачи кинорежиссёр	180
Кинорежиссёр	40
Постановкачи кинооператор	90
Овоз оператори	30
Монтажчи	30
Суратга олиш гурухи директори	30

3. Мультиликацион фильмлар яратганлик учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

3.1. Тўла метражли (5 ва ундан кўп қисмли) мультиликацион фильмлар яратганлик учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари	
	Чизма мультиликацион фильмлар	Кўғирчоқ мультиликацион фильмлар
Кинорежиссёр	100	100
Кинооператор	30	30
Постановкачи рассом	100	100
Овоз оператори	10	10
Суратга олиш гурухи директори	15	15

3.2. Компьютер чизмаси асосида тўла метражли мультиликацион фильмлар яратганлик учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари	
	Компьютер чизмаси дастурчиси	Гурух директори
Кинорежиссёр	50	5
Постановкачи рассом	70	5
Овоз оператори	5	5

3.3. Қисқа метражли мультиликацион фильмлар яратганлик учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари			
	1 қисмли фильмлар	2 қисмли фильмлар	3 қисмли фильмлар	4 қисмли фильмлар
Чизма мультиликацион фильмлар				
Кинорежиссёр	50	70	80	90
Кинооператор	20	21	24	27
Постановкачи рассом	50	70	80	90
Овоз оператори	10	12	13	14
Суратга олиш гурухи директори	10	12	13	14

Кўғирчоқ мультиликацион фильмлар				
Кинорежиссёр	50	70	80	90
Кинооператор	20	21	24	27
Постановачи рассом	50	70	80	90
Овоз оператори	10	12	13	14
Суратга олиш гурухи директори	10	12	13	14

4. Тўла метражли бадий фильмларни дубляж қилганлик учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари	
	хорижий фильмларни ўзбек тилига дубляж қилиш	миллий фильмларни чет тилларга дубляж қилиш
Кинорежиссер	30	30
Овоз оператори	12	12
Суратга олиш гурухи директори	12	12

5. Тўла метражли бадий фильмларни чет элларда реклама қиласидаган 1 қисмли кинофильмларни яратганлик учун суратга олиш гурухлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари
Кинорежиссер	5
Мураккаб суратга олишлар бўйича кинооператор	3
Мураккаб суратга олишлар бўйича рассом	2
Овоз оператори	2
Суратга олиш гурухи директори	2

6. Хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув кинофильмлари постановкаси учун суратга олиш гурухи ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

6.1. Тўла метражли хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув кинофильмлари постановкаси учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари

Кинорежиссер	35
Кинооператор	27
Монтажчи	10
Овоз оператори	10
Суратга олиш гурухи директори	10

6.2. Қисқа метражли хроникал-хужжатли, воқеали, илмий-оммабоп ва ўқув кинофильмлари постановкаси учун постановка ҳақининг ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари			
	1 қисмли фильмлар	2 қисмли фильмлар	3 қисмли фильмлар	4 қисмли фильмлар
Кинорежиссер	12	16	21	28
Кинооператор	8	12	15	22
Монтажчи	3	5	6	8
Овоз оператори	3	5	6	8
Суратга олиш гурухи директори	3	5	6	8

7. Хроникал-хужжатли киноальманахлар ва киножурналлар постановкаси учун постановка ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларнинг тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари
Кинорежиссёрга	22
Шу жумладан:	
киноальманахни монтаж қилганлик учун	4
киноальманахга киритилган сюжет учун	6
Кинооператорга умуман киноальманах учун	18
Шу жумладан, киноальманахга киритилган сюжет учун	6
Овоз операторига умуман киноальманах учун	12
Суратга олиш гурухи директорига умуман киноальманах учун	12
Шу жумладан киноальманахга киритилган сюжет учун	2,5

Изоҳ:

Хроникал-хужжатли киноальманах — бир нечта хужжатли, воқеали сюжетлар бирлашмаси.

8. Киносолномалар учун сюжетлар постановкаси учун постановка ҳақининг энг кам ставкалари:

Ижодий ходимларниң тоифалари	Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича битта сюжет учун энг кам ставкалари
Оператор	6
Овоз оператори	2,5
Суратга олиш гурухи директори	2,5

Изоҳ:

1. Киносолнома — тарих учун ҳақиқий воқеаларни суратга олиш.
2. Ушбу илованинг 1, 2, 6 ва 8-бандларида белгиланган ҳақ тўлаш ставкалари видеотелефильмларни яратишида ҳақ тўлашнинг белгиланган ставкаларининг 75 фоизи ҳисобидан кўлланади.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 14-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда)